

Фикр дурдоналари (30-қисм)



16:20 / 22.04.2017 4417

151. Сохта дўстлик об-ҳаво ноқулай бўлганда (қишлаш учун) кўчиб кетувчи қушга ўхшайди.

152. Дўстлар вазиятлар билан (билинади), йиллар билан эмас. Бу ҳақиқатни бир кун келиб тушуниб етасан.

153. Агар сирларингни душманларинг билмаслигини хоҳласанг, уни дўстларингга ҳам айтма!

154. Узоқ вақт жим бўлиб қолганингда, "Сизга нима бўлди?" деб сўрайдиган шахслар бунча ҳам чиройли, гўзал бўлмасалар!

155. Йиғлаётган аёлни тушунишга уриниш худди қаттиқ шамол эсиб, бўрон бўлаётган пайтда газетани варақлашга уринишга ўхшайди.

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари),
“Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси